



“РАСМИЙ СТАТИСТИКА ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Манба: ЎРҚ-707-сон, 11.08.2021 й.

@huquqiyaxborot



Расмий статистика давлат статистика органлари ва расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан тайёрланадиган ҳамда тарқатиладиган статистика маълумотларидан иборат

Давлат статистика қўмитаси соҳада **ваколатли давлат органи** ҳисобланади

Жисмоний ва юридик шахслар (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари) **расмий статистикадан фойдаланувчилар** бўлиши мумкин

Қўп йиллик статистика дастури умуман миллий статистика тизими учун ишлаб чиқилади ва расмий статистиканинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилайди


Президент томонидан тасдиқланади

Бир йиллик статистика дастури қўп йиллик статистика дастурини бажариш мақсадида ишлаб чиқилади

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади



Расмий статистикани тайёрлаш учун йиғиладиган статистика маълумотлари жисмоний ёки юридик шахсларга тааллуқли индивидуал маълумотларни ошкор қилса, **махфий** ҳисобланади



Илмий-тадқиқот мақсадлари учун тақдим этиладиган махфий статистика маълумотлари таркибида **идентификаторлар** бўлиши мумкин эмас

Расмий статистика қуйидаги мақсадларда эълон қилинади:



мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини **таҳлил қилиш ва баҳолаш**

илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш

жамоатчиликни хабардор қилиш

расмий статистикадан **фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари** ва қонуний манфаатларини таъминлаш.